

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИНСОН АХЛОҚИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ АҲАМИЯТИ.

Арипов Алишер Сайфиддинович

Навоий Давлат педагогика институти ижтимоий фанлар кафедрасининг мустақил тадқиқотчиси. ТЕЛ: +99898-189-78-88 Ўзбекистон. Навоий вилоати.

Навоий шаҳри.

Аннотация: Мақолада замонавий жамиятда коррупцияни олдини олишда инсон аҳлоқини тарбиялашнинг ижтимоий-фалсафий аҳамияти, коррупция иллатини фалсафий таҳлил қилиш, коррупциянинг жамият, шу жумладан инсон ҳаётига сальбий таъсири, коррупцияга қарши қурашда замонавий-фалсафий чора-тадбирлар түғрисида баён этилган.

Калит сўзлар: Замонавий жамиятда коррупцияни олдини олиш, коррупцияга қарши қураш, коррупцияга муросасизлик, инсон аҳлоқини тарбиялаш, коррупциянинг сальбий таъсири.

Аннотация: В статье описывается социально-философское значение воспитания нравственности человека в предотвращении коррупции в современном обществе, философский анализ зла коррупции, негативного влияния коррупции на общество, в том числе на жизнь человека, а также современно-философские меры борьбы с коррупцией.

Ключевые слова: Профилактика коррупции в современном обществе, борьба с коррупцией, нетерпимость к коррупции, воспитание нравственности человека, негативные последствия коррупции.

Annotation: The article describes the socio-philosophical importance of educating human morals in preventing corruption in modern society, philosophical analysis of the evil of corruption, the negative impact of corruption on society, including human life, and modern-philosophical measures in the fight against corruption.

Key words: Prevention of corruption in modern society, fight against corruption, intolerance to corruption, education of human morality, negative effects of corruption.

Замонавий жамиятда коррупция профилактикасини амалга ошириш чора-тадбирлари түғрисида мулоҳаза қилишдан олдин, даставвал инсон ва унинг жамиятдаги юриш-туриши, хулқ-атвори ва ҳуқуқий маданияти түғрисидаги бир қанча омилларни бирма-бир кўриб чиқишимиз лозим бўлади.

Фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражаси фуқароларнинг ахлоқий маданиятини белгилайди. Ахлоқий маданият жамиятнинг шахснинг ахлоқий тажрибасини ўзлаштириш ва бу тажрибаларни бошқа одамлар билан муносабатларда қўллаш, мунтазам равишда ўз-ўзини такомиллаштириш каби

бир қанча жиҳатларни ўз ичига олади. Хулоса қилиб айтганда, ахлоқий тарбия инсоннинг ахлоқий юксалиш белгисидир³⁸.

Инсон ахлоқида коррупцияга мойиллик мавжуд бўлмаса ёки кейинчалик шаклланмаса, бундай кишига коррупция умуман яқинлаша олмайди ва унга коррупциядан холи шахс сифатида қарашимиз мумкин бўлади.

Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда Аллоҳ таоло: “Эй имон келтирганлар! Аллоҳ учун ҳақда туриңг, адолатли гувоҳ бўлинг. Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни уларга нисбатан адолат қиласликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Бу тақвога оид ишдир. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалингиздан хабардор зотдир”(Моида сураси 8-оят)³⁹.

Инсон ахлоқида коррупцияга мойиллик табитан мавжуд бўлмаслиги учун нима қилиш керак? Инсон туғилган оила тарбияси мукаммал бўлса, албатта у коррупцияга мойил бўлмайди. Бироқ, кейинчалик инсон ахлоқида коррупцияга мойиллик пайдо бўлмаслиги учун уни ўраб турган бошқа инсонлар ва у яшаётган муҳит жавобгар бўлади. Инсон яшаётган жамият унинг ахлоқига тўғридан тўғри ўз таъсирини кўрсатади.

Фалсафа инсон ва у яшаётган дунёга таъсир қилувчи асосий муаммоларни оқилона тадқиқ этишини ҳисобга олиб, коррупцияга қарши курашда, хусусан, коррупция феноменини ахлоқий нуқтаи назардан кўриб чиқиши орқали жиддий ҳисса қўшиши мумкин, чунки коррупция биринчи навбатда ахлоқий ёки ахлоқий муаммодир. Бу шуни англатадики, ахлоқ ахлоқ масалалари билан шуғулланади - инсон муносабатларида нима тўғри ва нима нотўғри. Бошқача қилиб айтганда, этика ахлоқни фалсафий ўрганишдир ва шунинг учун биз коррупциянинг таъсири жуда жиддий ахлоқий оқибатларга олиб келишини айтамиз⁴⁰.

Инсон истиқомат қилаётган муҳит соғлом бўлса, аста-секинлик билан бўлсада, у инсон ахлоқига таъсир қиласди, бироқ инсон носоғлом муҳит таъсирида бўлса, бундай жамиятдаги иллатлар тобора унинг турмуш тарзига сингиб, одатий ҳолга айланиб боради, инсон онги эса коррупция каби иллатларга кўнишади.

Биз ҳар куни коррупция ҳақида эшитамиз ва қўпинча инсоний нуқтаи назардан нимани англатишини тушунмасдан, уни номинал сифатида қабул қиласмиз⁴¹.

Замонавий жамиятда инсонлар онгиди ва ахлоқида коррупцияга муросасизлик туйғусини сингдириш жудаям қийин кечади, чунки қўпчилик одамлар коррупция авж олган муҳиттага мослашиб, коррупция билан боғлиқ

³⁸ Сафарова Н. О. Түйбоева Г.К. The moral importance of national values in family education. Молодой ученый. — 2020. — № 36 (326). — С. 129-131. — URL: <https://moluch.ru/archive/326/73423/> (14.04.2024).

³⁹ Қуръони Карим Моида сураси 8-оят <https://islom.uz/maqola/1530>.

⁴⁰ Энтони О.О. The role of philosophy in the fight against corruption in contemporary society. <https://www.journalijcar.org/issues>.

⁴¹ Фади А. The Philosophy of Corruption. <https://www.linkedin.com/pulse/philosophy-corruption>. October 29, 2023.

ҳатти-харакатлар уларнинг турмуш-тарзининг бир қисмига айланиб бўлган. Коррупциясиз яшаш бугунги кун одамлари учун уларнинг тасаввурида гўёки қийин бўлади, аслида коррупциянинг туб моҳиятини тушунган жамият аъзолари учун коррупциясиз ҳаёт энг қулай ва фаровон турмуш-тарзига олиб бориши мумкин.

Коррупцияни тушуниш учун Николо Макиавелли асарлари муҳим туртки беради. У коррупцияни истеъмол каби касаллик билан таққослади. Аввалига таниб олиш қийин, аммо даволаш осонроқ. Агар у эътиборсиз қолса, уни таниб олиш осон, аммо даволаш қийин⁴². Коррупцияга қарши курашда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширилсагина давлатнинг коррупцияга қарши сиёсати муваффақиятли амалга оширилиши мумкин⁴³. Жиноятчилик ва коррупциянинг кучайиши давлатнинг конституциявий асослари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда бузади⁴⁴.

Болалар боғчасидан то олий таълимгача, оддий қоровулдан то ҳокимият вакилигача, айбланувчидан то қозигача бу иллат қурбонига айланган салмоқлигина. Бунинг сабаби инсонларнинг ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида айрим нопок, таъмагир шахслар томонидан “белгилаб қўйилган” ғовлар сабабли ўз ишларининг тугалланмай қолишидан қўрқув ҳиссидир. Бироқ коррупциянинг жамият ҳаётига мустаҳкам ўрнашиб олиш сабаби фақатгина мансабдор шахслар эмас, балки уларни тез-тез “рағбатлантириб” турувчилар ҳамdir. Шу зайлда кўпчилик “бераверади”, камчилик “олаверади”⁴⁵.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, замонавий жамиятда коррупция профилактикасини амалга ошириш чора-тадбирлари қуидагиларни қўллаш орқали амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, замонавий жамиятда коррупцияга мойиллик қиладиган хулқатворга нисбатан муросасизликни шакллантириш, шунингдек коррупцияга қарши тарғиботни кучайтириш лозим;

Иккинчидан, норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни таъминлаш;

Учинчидан, қонунчиликда назарда тутилган тартибда давлат ёки муниципал лавозимларга, давлат ёки майший хизматга талабгор шахсларга қўйиладиган махсус талабларни тақдим этиш, бундай шахслар томонидан ўзи ҳақида берилган маълумотларни ҳаққонийлигини ва коррупцияга мойилликка қарши текшириш;

⁴² История коррупции. <https://linguanet.ru/ob-universitete/protivodeystvie-korruptsii/istoriya-korruptsii>.

⁴³ Атагимова Э.И. Что такое коррупция и как с ней бороться. Москва-2015. 5-бет. <https://minjust.gov.ru>.

⁴⁴ Яхшиликов Ж.Я. Corruption and crime, kinship, parochialism and nationalism are threats to the development of society. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science <http://www.t-science.org/arxivDOI/2019/01-69/PDF/01-69-23>.

⁴⁵ Раимбердиева Г.Х. Коррупциядан холи давлат- олий мақсадимиз. <http://web-journal.ru/index.php/journal/article/view/3631>.

Тўртингидан, коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.